

## Экологиянинг Долзарб Муаммолари

Мурадов Ш. О., Шакирова Зарина

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Геология ва кончилик иши факултети,  
Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси

Ўзбекистон ўзининг барқарор ривожланиши учун биологик хилма – хиллик ресурсларини сақлаши муҳим эканлигини эътироф этиб, 1995 йилда биологик хилма – хиллик тўғрисидаги Халқаро Конвенцияга қўшилди. Мазкур ҳужжат ушбу Конвенция доирасида зиммасига олинган мажбуриятларни бажариш учун жадаллашаётган ишларнинг биринчи ва таркибий босқичи ҳисобланади. Республика нисбатан аграр мамлакат бўлиб ва шу боис ҳам кўп жihatдан табиий – биологик ресурсларнинг ҳолатига боғлиқдир. Илгари Ўзбекистоннинг ривожланиши мувозонатланган, ишлаб чиқаришга, айниқса қишлоқ хужалигига ҳаддан зиёд аҳамият қаратилар, шу билан бирга табиий ресурсларни бошқариш ва муҳофаза қилишга етарли эътибор берилмас эди. Бошқарувнинг юқори даражада марказлашуви, табиий манбаларни тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш ўрнига уларни талофат кўришига олиб борди.

Сўнги 30 – 40 йил мобайнида ўтказилган сиёсат, айниқса қишлоқ хўжалик соҳасининг ҳамда экологиянинг нотўғри ривожланиши натижасида Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатларнинг биологик ресурсларига жиддий зарар етказилди. Бу нарса айрим экотизимларнинг бўзилишига олиб келди, бошқаларида жуда оғир из қолдирди ва республикадаги умумий экологик барқарорликни жиддий хавф остига қуйди. Кўрилган зарар рўйхатидан Орол денгизининг қуриши ва унга туташ худудларнинг салбий ўзгариши, дарё қирғоқбўйи ўрмонлари (тўқайлар) нинг йўқ бўлиши, чўл ва даштлар инқирози, сув йиғилувчи тоғ худудлари бўзилмаган майдонларнинг қисқариши қабилар ўрин олган.

Орол инқирози вазиятини назорат қилиш ва эҳтиётсиз ёндашув учун иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан жавоб беришга тўғри келишини кўрсатди. Мустақкам экологик барқарорлик ва табиат тизимининг фаолият кўрсатишини қўллаб - қувватлашда биологик ресурсларнинг аҳамиятини тўғри тушунишни ҳар томонлама рағбатлантириш лозим бўлади. Келажакда давлатимиз барқарор ривожланиш йўлига ўтиши учун биохилма-хилликни сақлаш ва бўзмасдан фойдаланиш масалалари давлат тараққиётини режалаштиришда ўз аксини топди.

Биологик хилма-хиллик - умумий ва амалий экологиянинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Экологиянинг асосий амалий моҳиятининг вазифаси (ёки тобора пастлашиш-сусайиш бўлсада) биологик хилма-хилликни сақлаб қолишдадир. Худди шу мақсадни тарғиб қилувчи чоралардан бири табиатни муҳофаза қилиш, қуриқхона ва генетик банкларни тўзишдан иборат. Янгича турдаги ҳайвон ва ўсимликларни қўлга ўргатиш ва ҳақозалар.

Бироқ, биологик хилма-хиллик – бу бизнинг мақсадимиз эмас. Биохилмаллик - экотизмни барқарорлиги ва муҳим биосферанинг яхлит мавжудлигининг керакли шарти. Афсуски, ҳозиргача биохилма-хиллик ва барқарорлик муаммолари биргаликда тўла ва содда тилда ифода этилган дарслик ва қўлланмалар йўқ. Қайсидир ҳолда бу муаммо америкалик эколог Ю. Одумнинг 2 жилдлик «Экология» [1] қўлланмасида ёритилган бўлиб, унинг бўлимларини муаллиф генетик хилма-хилликнинг турлари ва тузилиш туркумига бағишлаган. Унинг

қарашлари қисқа, қайта такрорланган ҳолда, айрим совет ва кейинги укув нашриётларида акс эттирилган, экология ҳақида ҳеч қандай умумлаштирувчи, янги керакли маълумотлар амалий жиҳатдан ёритилмаган. Шундай қилиб, олий техника юртлари учун [2] экология фани бўйича биринчи Россия дарслиги нашр қилиниб, экотизимнинг мустақкамлигига, фақатгина 2 бет бағишланганлиги (Ю. Одумга изоҳи билан), бироқ унда ҳам биохилма-хиллик умуман онда – сонда тилга олинган. Техника фанлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун Экология дарслигида [3], биосферанинг хилма-хиллик бир параграфидагина, унинг эволюцион тажрибасида таърифланган. Глобал экотизимнинг мустақкам биосфера кўтарилишига қисқа ҳолда умумий баҳо берилган.

Анчагина эътиборга сазовор А.Э. Эргашев, И. Руденко ва С. Давлатов томонидан тайёрланган “Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари” дарслик[4] бор. Лекин унда ҳам барқарор ривожланиш ва биохилма-хиллик алоҳида кўриб чиқилган. Тайёрланган “Амалий экология (биохилма-хиллик ва барқарор ривожланиш)” маърузалар тўпламида [5] ва дарсликда [6], муаллифлар хилма-хиллик ва барқарорликни ҳар томонлама эмас, илм-фан эришган ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда, балки экологиянинг бошқа бўлимлари ва турдош фанлар ўзаро алоқада кўриб чиқишга ҳаракат қилишган.

Биология ва Экологияда экотизим ва организмнинг мураккаблаштирилган қонунида акс эттирилган бўлиб, унда шундай дейилган, тирик организмларнинг ва биомутаассиб тизимнинг функция бажарувчилари ташкилий йўл билан дифференциациясининг ўсишини тарихан қийинлашувига олиб келади. Мазкур табиатнинг қонуний тараққиёти ўзининг жамият ижтимоий – сиёсий маъносига эга бўлиб, барқарорлик ўсишидаги асосий тамойилда ўз аксини топган. Ушбу тамойиллар БМТ Рио-Жанейро (1992) да, Йоханнесбург (2002)да ва Нью-Йорк (2015)да ўтказилган конференцияларида қабул қилинган. Эпиграф сифатида олинган В.А. Красилов фикрларини, яна қуйидаги сўзлари билан тўлдириш мумкин: «Бутун инсоният тарихи эскилик тарафдорлари, кучлари ўртасидаги курашни шундай тасаввур қиладиларки, инсонлар хилма-хиллигидаги интилувчанликка чек қўйиб ва тартибга солиш йўлини умуминсоний, миллий, ўз қобилигига ўралиб қолган, табақали стандарт асосида кўрсатиб, кўпроқ тўлдиришга имкон бериб, хилма-хилликни ойдинлаштиради.

Экотизим эволюцион назариясининг бошланиши хилма-хилликни юқори эканлигини билдирса, рақобатни унга қараганда кучсизлигини кўрсатади. Шунинг учун батамом рақобатбардош юқори стандартларни қўллаб-қувватлаш ҳисобга олинади» [7].

Балки жуда ҳам ишонч ва ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилиб айтилгандир. Юқорида билдирилган сўзлар табиат ва жамиятдаги ҳақиқий, чинакам жараёнлари исбот қилмоқда: вояга етган экотизимларда антагонистик биотик муносабатнинг (рақобат, йиртқичлик, текинхўрлик) ноантогонистик тенденцияга ўтиш кузатилади (симбиоз, мутуализм ва бошқалар); кишилиқ жамиятида адоватга, бир миллатни ва халқнинг қарамақаршилиги, тотув-хайрихоҳлик руҳига, бир-бирига хурмат, тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатли муносабатларга алмаштирилади. Табиатда бу биохилма-хилликка, барқарор ҳаётга, жамиятда - моддий ва маънавий қадриятлар хилма-хиллигига, бирлашган барқарор ва чексиз хилма-хил ноосферага – Ақл қобулигига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-2028 – йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида Биологик хилмахилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида қарори (2019-йил 1-июн, 484-сон) билан тасдиқланган.

Стратегияда таъкидланганидек: Ўзбекистонда биохилма хилликни тиклаш ва сақлаш – экологик ҳавфсизликни таъминлаш ва мамлакатнинг барқарор ривожланиши, шунингдек, иқлим ўзгаришининг юз бераётган жараёнларига мослашишнинг ишончли йўли.

Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда шиддатли равишда ҳаракат қилмаслик мумкин эмас, ҳаракат қилмаслик ўз-ўзидан келажагимизга, набираларимизга ва кейинги авлодларимизга бўладиган жавобгарликни олиб ташлашдир.

«Тянь-шань хилма-хиллиги: муҳофаза қилиш ва мукамал фойдаланиш» мавзусидаги Республика илмий конференциясидаги чиқишида академик Т.Ф. Арипов айтиб ўтган эди:

«...биохилма-хиллик-жамиятнинг маданий–эстетик талаби ва экологик, иктисодий қаноатлантиришнинг кудратини юзага чиқарувчи ресурсидир.» [8]. Ушбу мақола–бу бизнинг ҳаракатимиз ва Ҳукуматимизнинг алангали чақирувларига жавобимиздир. Муаллифлар умид қиладиларки, талабалар, ўқитувчилар ва кенг китобхон омма экологияни замонавий муаммоларни тафаккури билан англайди ва амалий фаолиятида ишлатади.

**Фойдаланган адабиётлар руйхати:**

1. Одум Ю. Экология. -М.: Мир, 1986. Т.1. -328 с, Т.2. -376 с.
2. Цветкова Л. И., Алексеев М. И., Усанов Б. П. и др. Экология. Уч. для техн. вузов. СПб: Химиздат, 1999. - 488 с.
3. Коробкин В.И., Предельский Л.В. Экология. - Ростов н/Д: Феникс, 2001.-576 с.
4. Эргашев А.Э., Руденко И., Давлятов С.И. и др. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. Дарслик. Тошкент: Baktria press. 2016.-296 б.
5. Мурадов Ш. О. Амалий экология. Маъруза матни. Қарши: ҚарМИИ. 2019.-58 б.
6. Мурадов Ш. О., Валуконис Г. Ю., Мурадов Ф. Ш. Экология. ч. II. Прикладная экология. Мини уч. - Ташкент: Чинор ЭНК, 2005. -113 с.
7. Красилов В.А. Эволюция биосферы и Биосферизм. //Вестник Дальневосточного отделения АН России, 1990, №1.- С. 87-98.
8. Биоразнообразие западного Тянь-Шаня: Охрана и рациональное использование. Сб.докладов научной конф.-Ташкент:Чинор ЭНК, 2002.-292 с.